

## **Мактаб ва оила ҳамкорлигига болаларни эстетик руҳда тарбиялаш**

ЖХТХҚТМОИ катта ўқитувчиси Г. Сиддиқова

«Жамиятда юксак маънавий фазилатларни камол топтириш, миллий мафкурани шакллантириш, ёшларни бой маданий меросимиз, тарихий анъаналаримиз, умуминсоний қадриятларга хурмат, Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш-мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислоҳотларнинг ҳал қилувчи омилидир”-дейди юртбошимиз И. Каримов.

Ҳар бир оила ўз фарзандини тарбияли, нафосатли, ақлли, юксак маънавиятли инсон бўлиб етишишини истайди. Болани эстетик руҳда тарбиялаш ҳам санъатнинг энг нозик тури. Тарбия санъатининг шундай хусусияти борки, кўп кишилар уни ўзларига таниш ва тушунарли деб ҳисоблайдилар. Аслида, эстетик руҳда тарбиялаш, инсоннинг бутун қиёфасига, унинг хис – туйғуларига, иродасига самарали таъсир қиласи. Эстетик руҳда тарбиялаш ғоят мураккаб ва кўп қиррали жараён бўлиб, нафосатни тушинибгина қолмай, балки уни барпо этишга қодир бўлган баркамол авлодни камолга етказиш мақсадни ҳам қўзда тутади.

Донишмандларимиздан бири соғлом танда-соғ ақл деб бежизга айтишмаган. Бола соғлом ўсиши учун унга соғлом муҳит керак. Бизларга яхши маълумки бола туғилгандан бошлаб оиланинг маънавий – эстетик таъсири остида катта бўлади. Демак аввало оилада соғлом муҳитни яратар эканмиз соғлом фикр юритиш ва ҳар ишни бажаришдан олдин ва кейин тўғри хулоса қилмоғимиз даркор. Бунда оиладаги ёши катта инсонларда катта масулият талаб этилади. Оилада болага нисбатан бўладиган муносабатда унинг индивидуал хусусиятларини ва имкониятларини ҳисобга олиш даркор. Оила тарбиясининг афзаллиги шундаки, у боланинг қобилияtlари, қизиқиши ва эҳтиёжларини инобатга олишда катта имкониятларга эга. Бундай тарбия жараёнида бевосита оила ҳам, шунингдек, мактаб, кўча ва ўртоқлари даврасида боланинг онгига таъсир кўрсатувчи ғоят хилма хил таассуротлар синтези юз беради. Бизлар яхши биламизки оиланинг бадиий қизиқишлари, эстетик баркамоллик даражаси кўпинча болада бевосита акс этади. Ёки, аксинча боланинг эстетик билишга интилиши, ундаги қизиқиши ва эҳтиёжлари ота – онада ҳам қизиқиши ортишига сабаб бўлади.

Замонавий оилаларга эътиборимизни қаратадиган бўлсак, ҳар доим ҳам бўлмасада, баъзида ёшларни бадиий ва эстетик қадриятлардан баҳраманд қилиб туришади. Унда болада санъатга бўлган муносабати шунингдек,

турмушга, табиатга, мулоқотга, билишга, меҳнат фаолияти ва шу кабиларга бўлган муносабатининг эстетик элементлари шаклланиб, ривожланиб боради.

Шахсни эстетик ривожлантиришнинг дастлабки шарти ва бошланғич бўғини болада ёшлик чоғиданоқ, туғилиб ўсган уйининг гўзаллиги ва у билан бевосита боғлиқ бўлган табиат гўзаллигини шакллантиришдан иборатdir. Болани аввало табиатдан, одамларнинг ўзаро муносабатлари, турмуш ва анъаналаридан бошлаб инсон ҳаёти ва фаолиятининг барча жабҳаларига сингиб кетган гўзалликни идрок қилишгacha бўлган, теварак – атрофдаги дунёни эътибор билан тушуниб етишига қаратилган эстетик ривожланиш эрта бошланса, у анча чукур ва жиддий таъсир кўрсатади. Йилнинг турли фаслларида табиатни кузатиш натижасида уйғунлик, ранг, маконни хис этишни ривожлантиради, тасаввурни бойитади.

Санъат эстетик тарбия воситаси сифатида кичик ёшда умумий ривожланиш вазифаларига нисбатан бўйсунувчи ўринда туриши мумкин. У атрофдаги табиат дунёси, инсоний муносабатлар дунёси ҳақидаги ҳақиқий ҳаётини тасаввурларни бойитишига ёрдам бериши мумкин. Бизлар яхши биламизки эстетик ривожланишда табиат инсонга икки томонлама таъсир кўрсатади яъни биринчидан гўзаллик хисси уйғотади ва шакллантиради, иккинчидан санъатнинг ҳар хил турларига ўтиладиган ўзига хос кўприк вазифасини ўтайди.

Оиланинг эстетик тарбияда етакчи ёки бўйсунувчи мавқени эгаллаши боланинг ёшига боғлиқ. Улғайиш жараёнини аста – секин оиланинг таъсиридан чиқиши ва жамоанинг ижтимоий муносабатлар тизимиға тортилиши деб таърифлаш мумкин. Шахс ривожланишининг ҳар бир босқичида болага эстетик ҳамда у билан чамбарчас боғлиқ бўлган ахлоқий тарбия бериш мазмуни ва методларининг ўзига хослиги билан бирга ўтади.

Кейинги вақтларда оилада болага бўлган муносабат, баъзи оилаларда бир мунча пасайиб бораётганлигини кўрамиз. Эҳтимол бунда телекоммуникация ва оммавий алоқа воситаларининг турмуш тарзига фаол равишида кириб бораётганлигининг оқибатидир. Бола билан бирга қўшиқ айтиш, ўйин ўйнаш, топишмоқ айтиш, байрам кечалари уюштириш, оилавий китоб ўқиши ва шу кабилар оилада камдан кам учрайдиган ҳодисага айланиб бормоқда. Буларнинг ҳар бири мулоқотнинг ва бадиий дидни ўстиришнинг, ҳаётга эстетик муносабат тўғрисидаги дастлабки тасаввурларга эга бўлишнинг самарали воситасига айланиши мумкин. Она алласини тинглаш, бола билан биргалиқда шеър ёдлаш, расмлар чизиш, дам олиш масканларига

бориш, қўғрчоқ театри ва бошқалар боланинг тасаввурини бойитади ва эстетик жихатдан “гўзал” деб қабул қилишига ёрдам беради.

Оиладаги эстетик мұхит бола тарбиясида катта аҳамиятга эга. Озодалик ва саранжом – саришталик, уйни чиройли жиҳозлаш, дастурхонни чиройли безатиш, ақа-укалар ва оила аъзоларининг ўзаро сўзлашишлари ва момила маданияти, буюмларни тоза ва озода саклаш, кийиниш ва қизиқишиларни инобатта олиш эстетик мұхитни хилма-хил қилибгина қолмай, балки гўзалликка интилиш одати ва санъатга қизиқиши ривожлантиради.

Хулоса қилиб шуни айтиш мүмкінки болада шаклланиб борадиган соғлом, ахлоқий ҳамда эстетик туйғу одатда мактаб ва оиланинг ҳамкорлиги билан қилинган меҳнат натижасидир. Чунки мактаб билан оила ўртасидаги ҳамкорлик қанчалик изчиллик билан ривожлантирилса боланинг тўғри табиялаш ва таълим олишида мұхим омил бўлиб хизмат қилибгина қолмай келажакда уларнинг тўғри йўл топишлари ва мустақил ҳаётга дадиллик ва ишонч билан қадам қўйишиларига мустаҳкам пойdevор бўлиб хизмат қилади.